

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МУХСИМОВ НУРУЛЛО ПУЛАТОВИЧ

ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ХАВЗАСИНИНГ ЁНҒОҚМЕВАЛИ ХУДУДЛАРИДА  
ТЕНГСИЗ ИПАК ҚУРТИНИНГ (*LIMANTRIA DISPAR L.*)  
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Мухсимов Нурулло Пулатович**

Чирчик дарёси хавзасининг ёнғоқмевали худудларида тенгсиз ипак куртининг (*Limantria dispar L.*) биоэкологияси ва унга қарши кураш чоралари.....3

**Мухсимов Нурулло Пулатович**

Биоэкология непарного шелкопряда (*Limantria dispar L.*) в орехоплодовой зоне бассейна реки Чирчик и меры борьбы с ним.....23

**Mukhsimov Nurullo Pulatovich**

Bioecology of the gypsy moth in the nut-fruit zone of the Chirchik river basin and measures to combat it (*Limantria dispar L.*).....43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МУХСИМОВ НУРУЛЛО ПУЛАТОВИЧ**

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИНИНГ ЁНҒОҚМЕВАЛИ ХУДУДЛАРИДА  
ТЕНГСИЗ ИПАК ҚУРТИНИНГ (*LIMANTRIA DISPAR L.*)  
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Samyil Axborot-  
resurs markazi  
Toshkent – 2019  
Inv № 0-14259

**Кишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида**  
**B2018.2.PhD/Qx324 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Кайнмов Абдухалил  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ходжаев Шамил Турсунович  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Учаров Артём Багыевич  
кишлоқ хўжалик фанлари номзоди

**Ўтақча ташкилот:** ЎзРФА Зоология институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «6» июль, соғат 9<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кучаси, 2-уй. Тел (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (538161-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кучаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси Тел (99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «18» июль кuni тарқатилди  
(2019 йил «21» июльдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, Б.Ф.Д., академик.

**Я.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, К.Х.Ф.Н., доцент.

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қитъамизда ҳар йили кишлоқ ҳўжалик ва ўрмон ўсимликларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоялаш учун ўрта ҳисобда 75,0 миллиард АҚШ доллари сарфланади. Касаллик ва зараркунандаларнинг кишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги ўсимликларига келтирадиган зарари ФАО нинг тажрибавий баҳолаши бўйича йилига 30% ни ташкил этади. Аммо, замонавий биологик ва кимёвий воситалардан фойдаланилса, ёнғокмевали ўсимликлар ҳосилининг ўртача миқдорини 45-50% гача сақлаб қолишга эришиш мумкинлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Дунёдаги бир қатор ривожланган давлатлар илмий марказлари ўрмонларда ёнғокмевали дарахтларнинг хавфли барғхўр зараркунандаси бўлган тенгсиз ипак курти (*Limantia dispar L.*) Грек ёнғоги, Хандон писта, Поника дўланаси, Сиверс олмаси ўрмонзорларининг ҳосилига жиддий таъсир кўрсатиши ўрганилмоқда ва унга қарши кураш тизимини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу зараркунандаларга қарши курашишда феромон тутқичлар, ҳар хил турдаги фойдали энтомофагларни кўпайтириш ва уйғунлашган самарали кураш тизими бўйича маълум даражада илғор технологиялар яратилган.

Республикамызда ёнғокмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртнинг биоэкологияси, ривожланиш босқичлари, тарқалиши, зарар келтириш даражаси ва уларга қарши самарали биологик ҳамда кимёвий кураш усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг бандида «3.3... ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бажарилган тадқиқотнинг натижалари асосида ёнғокмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртига қарши самарали биологик ва кимёвий кураш усулларини татбиқ этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этиш учун муайян даражада хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-409 сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон

<sup>1</sup> www.fao.org.

<sup>2</sup> «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» давлат дастури, ПФ-4947. Тошкент, 2017 йил 7 феврал

Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ЎРҚ-484-сон Қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тенгсиз ипак куртининг биологияси, экологияси, физиологияси, популяцияси, тарқалиш динамикаси бўйича кўплаб энтомолог олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган: И.В.Кожанчиков, Д.В.Руднев, П.А.Положенцев, М.Г.Ханисламов, Е.С.Петренко, М.С.Гиляров, А.С.Рожков, А.С.Коников, П.М.Рафес, В.О.Болдаруев, В.И.Гримальский, Г.А.Викторов, И.Я.Полянский, А.С.Исаев, А.И.Воронцов, М.С.Гершун, М.К.Махновский, Г.Ф.Гузеев, К.Е.Романенко, К.С.Ашимов, А.А.Орозумбетов, Р.А.Султанов ҳамда чет эллик муаллифлардан Н.А.Бесс, R.W.Campbell, D.L.Hubbard, D.E.Leonardлар тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ мамлакатимиз худудларидаги ёнғоқмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртининг зарари юқори бўлишига қарамасдан, унинг биологияси, экологияси, физиологияси, популяцияси, тарқалиш динамикаси бўйича етарли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Юқоридагиларни инobatга олиб, Тошкент вилояти шароитида ёнғоқмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртининг фенологияси, биологияси, экологияси, озуқа миқдорини ўрганиш ва қисқа муддатда зараркунанданинг тарқалиш динамикаси прогнозини ҳамда унга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиб, ўрмон хўжаликлари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш асосида ёнғоқмевали дарахтларнинг ҳосилини сақлаб қолиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказида амалга оширилган КХА-10-109-II «Ўзбекистоннинг ёнғоқмевали ўрмонларида асосий баргхўр зараркунандаларнинг оммавий кўпайишини ҳисобга олиш бўйича кузатув усулларини ишлаб чиқиш», ва КХА-9-082 «Ёнғоқмевали ўрмонзорларда асосий баргхўр зараркунандаларга қарши инсон ҳаёти учун хавфсиз бўлган экологик тоза ҳамда биологик кураш чораларини ишлаб чиқиш», КХА-9-058-2015 «Зараркунандаларга қарши ўрмон энтомофағларини лаборатория шароитида кўпайтириш ва қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2017 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёнғоқмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртининг фенологияси, биологияси, экологияси, озуқа миқдорини аниқлаш ва қисқа муддатда зараркунанданинг тарқалиш динамикаси прогнозини

ишлаб чиқиш ҳамда уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Таджикотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

Чирчиқ дарёси бўйидаги ёнғоқмевали ўрмонларни кўздан кечириш ва тенгсиз ипак курти тарқалган ўчоқларни аниқлаш;

тенгсиз ипак курти устида фенологик ва биологик кузатувлар олиб бориш, унинг ривожланиш босқичларини аниқлаш;

зараркунанданинг куртлик даврида нормал ривожланиши учун озука турлари ва турли ўсимликларнинг керакли миқдорини аниқлаш;

ўрмонзорларда зараркунанданинг муайян ривожланиш босқичларида тарқалишини ҳисобга олиш;

тенгсиз ипак куртининг тарқалиш популяциясини аниқлаш;

нобуд бўлиш сабабларидан келиб чиққан ҳолда, яшовчанлик жадвалини тузиш;

энтомофаглар ва касалликларнинг тур таркиби ва тенгсиз ипак куртининг турли ривожланиш босқичларида камайишига таъсирини аниқлаш;

зараркунандага қарши кимёвий ва биологик препаратлар ҳамда хўжалик-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Таджикотнинг объекти** сифатида Чирчиқ дарёси ҳавзаси, Бурчмулло ўрмон хўжалиги, Угам-Чотқол миллий табиат боғи ҳудудидаги ёнғоқмевали ўрмонзорлардаги тенгсиз ипак куртининг ўчоқлари ҳисобланади.

**Таджикотнинг предмети** ҳашарот тарқалишини ўрганиш, зараркунанда пайдо бўлишини турли усулларда ҳисобга олиш, ҳудуд ўсимлик дунёсидан келиб чиққан ҳолда зараркунанда ўчоқларини тақсимлаш, турли сабабларга кўра ўрмонзорларда баргларнинг зарарланиш сабабларини баҳолаш, руҳсат этилган кимёвий ва биологик препаратларни дала синовидан ўтказиш ҳисобланади.

**Таджикотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари тенгсиз ипак курти ўчоқларини жойида ҳамда батафсил кўздан кечириш ва уларнинг тарқалишини аниқлаш учун: «Ўрмонларда экспедицион ўрмонпатологик кузатувлари олиб бориш бўйича йўриқнома», «Ўзбекистоннинг ёнғоқмевали ўрмонларида асосий баргхўр зараркунандаларнинг оммавий кўпайишини ҳисобга олиш бўйича кузатув усулларини ишлаб чиқиш» услублари асосида таджикот ишлари олиб борилди.

Бир вақтнинг ўзида жойларда ўрмон патологик тақсациясига қаратилган текшириш ишлари «Ўрмон патологиясини кузатиш, ташкил этиш ва бошқариш бўйича қўлланма» га асосан (юрилган манзиллар бўйича кўздан кечириш) ва 3 та тажриба майдонида ўрмон патологик таҳлил ўтказиш ва ҳашаротларни йиғиш йўли билан амалга оширилди. Энтомофаглар устида лаборатория тажрибалари ва тенгсиз ипак курти касалликлари «Ўрмон зараркунандаларига қарши биологик кураш усуллари» услубий қўлланмага асосан ўтказилди. Спора ажратувчи бактериялар гуруҳига мансуб *B. thuringiensis* биологик маҳсулотнинг сақлаш ишлари Я.Вейзер услуби бўйича амалга оширилди. Таджикот натижаларининг вариацион статистик

таҳлиллари «Statistika 7» дастурида ва Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубига асосан бажарилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида тенгсиз ипак курти фенологияси ва биологияси буйича янги ҳамда аниқ маълумотлар аниқланган;

капалакларнинг учиб эҳтиёжи ўртача кунлик ҳароратга боғлиқлиги аниқланди, тухумнинг биометрик кўрсаткичлари кенглиги, узунлиги ва тухум уюми оғирлиги ёрдамида битта тухум уюмидаги тухумлар сони аниқланган;

зараркунанда куртининг озуқа йўналиши, озуқа меъёри, озуқа турининг курт ривожланиш давомийлигига таъсири аниқланган;

ривожланишнинг барча босқичларида ҳашаротнинг ўлим сабаблари, оммавий кўпайишга ҳароратнинг таъсир даражаси, энтомофаглар комплекс ва тенгсиз ипак курти касалликлари ва бу зараркунанданинг тарқалиш динамикасига таъсири аниқланган;

лаборатория шароитида фойдали энтомофагларни кўпайтириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

*Bacillus thuringiensis* штаммларини ажратиб олиш устида тажрибалар амалга оширилди ва унинг тенгсиз ипак куртига специфик таъсири аниқланган;

ёнғоқмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртининг экологияси, шу билан бирга ҳаётий фазасининг турли ривожланиш босқичлари ҳамда дала шароитида зараркунандага қарши янги замонавий юқори самара берувчи биологик ва кимёвий усуллари ишлаб чиқилган ҳамда биологик самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёнғоқмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак куртининг тарқалиши ва зарари аниқланган;

зараркунанданинг озуқа меъёридан келиб чиққан ҳолда, ўрмонзорларда кузатилиши мумкин бўлган янги зарарланиш жараёнининг қисқа муддатли прогнози ишлаб чиқилган;

иктисодий кўрсаткичи паст ўрмонзорларда зараркунанданинг популяциясини қисқартириш ва амалий қўллаш учун зараркунанданинг табиий қушандалари аниқланган;

дала шароитида зараркунандага қарши янги кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** зараркунанда биологиясида аввалдан қўлланилган усуллар, лаборатория ва дала тажрибаларида ишлатилган тажриба усуллари, олинган рақамларнинг вариацион статистик таҳлиллари ҳамда назарий маълумотлар билан илмий изланишлар натижасида олинган тажриба маълумотларининг мослиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан қониқарли баҳолангани ва уларни ўрмон хўжалигида амалиётга татбиқ этилгани илмий изланишнинг

республика ҳамда халқаро миқёсда муҳокама қилиниши ва таъ олиниши билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Чирчик дарёси ҳавзасининг ёнғокмевали ўрмонзорларида тенгсиз ипак қуртининг фенологияси, биологияси, экологияси, озуқа миқдори, оммавий кўпайиши ва уларнинг зарари аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида табиий энтомофагларнинг ўрмон биоценозидаги фаоллигини ошириш усуллари ишлаб чиқилди ва зараркундаларга қарши қўлланиладиган биологик ва кимёвий препаратлари рўйхати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида ёнғокмевали ўрмонзорлардаги тенгсиз ипак қуртининг фенологияси, биологияси, экологияси, озуқа миқдорини аниқлаш, қўллашнинг самарали усулларини жорий этиш асосида унинг зарарини камайтириш ва ҳосилни сақлаб қолиш, ўрмон агробиоценозидаги энтомофаунанинг фаоллигини ошириш, ўрмон хўжалиги энтомологияси ва ўсимликларни химоя қилиш фанларини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, ўрмон хўжалигида юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотларни олишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чирчик дарёси ҳавзасининг ёнғокмевали ҳудудларида тенгсиз ипак қуртининг биоэкологияси ва унга қарши кураш чоралари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Чирчик дарёси ҳавзасининг ёнғокмевали ҳудудларида тенгсиз ипак қуртига қарши Децис 2,5% (0,7 л/га), Данитол 10% (1,5 л/га), Имидо 35% (0,2 л/га) ва Нурелл-Д 55% (1,0 л/га) каби кимёвий пестицид препаратларини қўллаш меъёрлари 2015-2017 йилларда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Бурчмулло» ўрмон хўжалиги Оқтош ўрмон бўлимининг ёнғокмевали ўрмонзорларида жорий этилган. (Ўрмон хўжалиги Давлат Қўмитасининг №04/21-158-сонли 2019 йил 21 январда берилган маълумотномаси). Натижада, ушбу кимёвий препаратларни қўллаш мобайнида самарадорлик 95,4- 98,2% ни ташкил этган. Мазкур препаратлар билан ишлов берилган ҳудудларда ёнғокмевали дарахтларнинг ўртача 45-55% ҳосили сақлаб қолинган;

ёнғокмевали ўрмонзорларда тенгсиз ипак қурти сони кескин ортганда улар сонини бошқаришда самарали кимёвий препарат турлари, уларни қўллаш меъёрлари ҳамда муддатлари Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Бурчмулло» ўрмон хўжалиги «Қоранкулсой» ўрмон бўлимининг 50,0 гектар майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги Давлат Қўмитасининг №04/21-158-сонли 2019 йил 21 январда берилган маълумотномаси). Натижада, мазкур препаратларни қўллаш орқали ҳудуддаги ҳар бир ёнғок дарахтларидан ўртача 21,9-32,9 кг гача қўшимча ҳосил олинишига эришилган;

ёнғокмевали минтақаларда тенгсиз ипак қурти сонини бошқаришда биологик препаратлар билан кураш чоралари Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Бурчмулло» ўрмон хўжалиги «Қоранкулсой» ўрмон бўлимидаги

50,0 гектар ўрмонга жорий этилган. (Ўрмон хўжалиги Давлат Қўмитасининг №04/21-158-сонли 2019 йил 21 январда берилган маълумотномаси). Натижада, ҳар бир олма дарахтидан ўртача 24,0-26,4 кг қўшимча ҳосил олишга эришилган. Бунда дарахтларни химоя қилиш учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига мос равишда 9,8-10,5 сўмлик қўшимча сифатли маҳсулот олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган, битта тавсиянома қўллаш учун ўрмон хўжаликларига тарқатилган.

**Натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари, бажарилган ишнинг илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган илмий ишлар, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тенгсиз ипак қуртининг популяцияси ва унинг ўрмон экотизимидаги аҳамияти» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда маҳаллий ҳамда чет эл адабиёти маълумотлари мавжуд, ушбу муаммо бўйича изланишлар олиб борган кўплаб машҳур олимларнинг ишлари, интернет маълумотлари келтирилган. Олинган маълумотлар асосида турли мамлакатларда тенгсиз ипак қуртининг оммавий кўпайиши ва тарқалиши таҳлил қилинган. Тенгсиз ипак қуртининг ўрмон экотизимидаги зарари кўрсатиб ўтилган. Кимёвий ҳамда биологик препаратлар ёрдамида кураш олиб боришнинг муҳимлиги ва долзарблиги исботланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари» деб номланган иккинчи бобида Тошкент вилояти Чирчиқ дарёси ҳавзаси, Бўстонлиқ тумани Угам-Чотқол миллий табиат боғи ҳудуди ёнғоқмевали ўрмонзорларининг иқлим шароитлари таҳлил қилинган. Ўрмоннинг ўсиш шароитлари, ёнғоқмевали ўрмонларнинг тур таркиби келтирилган.

Тенгсиз ипак куртининг сон жихатдан ривожланиш жараёни, унинг худудларга бўлиниши характеридан келиб чиқиб ўрганилди. Тарқалиш динамикаси эса Ф.Н.Семевский ва А.И.Воронцовлар таклиф этган услуб ёрдамида ўтказилди. Зараркунанданинг ҳаётий даврида рўй берадиган критик давр ҳамда табиий ўлиш сабаблари Дж.К.Варли ишлаб чиққан яшовчанлик жадвалини тузиш усули ёрдамида аниқланди.

Энтомофаглarning аҳамияти ва зараркунанданинг касалликлари Ф.Н.Семевский таклиф қилган услубда ўрганилди. Зараркунанданинг камайишида энтомофаглarning аҳамиятини ўрганиш мақсадида лаборатория ва дала тажриба ишлари ўтказилди. Тадқиқот натижаларини математик таҳлил қилиш Москва ўрмончилик институти ўрмонларни химоя қилиш кафедраси томонидан ишлаб чиқилган услубдан ва ўрмон химоясида қўлланиладиган математик усуллардан фойдаланилди.

Ўрмонларни тенгсиз ипак қуртидан химоя қилиш мақсадида ишлатилган кимёвий ҳамда биологик препаратларнинг биологик самарадорлигини ўрганиш W.S.Abbot услуби ёрдамида ўтказилди; иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш К.А.Гар услубида; олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов услубида ва MXXSEL компьютер дастури ёрдамида ўтказилди.

Диссертациянинг «Тенгсиз ипак қуртининг биологияси ва унинг ҳаёт давомийлиги» деб номланган учинчи бобида ҳашаротнинг биологияси, тухумлик босқичидан то имаго босқичигача алоҳида фазаларга бўлиб ўрганилган. Ҳашарот ўзининг номида келиб чиқиб, эркак ва ургочи капалакнинг бир биридан кескин фарқланиши сабабли олган (1-расм). Эркак капалакларни учиш вақтини аниқлаш мақсадида “сутли халта” туридаги ёпик инсектицид-феромон тутқичларидан фойдаланган ҳолда тажрибалар ўтказилди. Тажриба 500 мг дисперлюр мавжуд диспенсер, тутқич ва инсектицид пластиналари, тўйинган 2,2-дихлорвинил метил фосфатолдан иборат (ишлаб чиқарувчи АКШ). 50 дона тутқич комплекти Ўзбекистонда тажрибалар олиб бориш учун Америка Қўшма Штатининг Қишлоқ Хўжалик Вазирлигидан келтирилган.



Ургочи капalak



Эркак капалак

1-расм. Тенгсиз ипак қурти капалакларининг умумий кўриниши.

Тенгсиз ипак қуртининг эркак капалаклари оммавий учиш даврида Қоранкулсойдаги ёнғоқмевали ўрмонзорлар зараркуанда ўчоқларида

феромон тутқичлари синовдан ўтказилди. Синов учун 3 хил турдаги феромон тутқичлардан фойдаланилди: очиқ учбурчак, янги ёпик ва такомиллашган америка тутқичлари. Икки ҳафта мобайнида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, тутқичларга жуда кўп микдорда капалаклар тушди. Энг юқори натижани очиқ учбурчак кўринишидаги елимли тутқичлар берди. 14 кун ичида ушбу тутқичларга 426, 484 ва 495 тадан капалаклар илинди (1-жадвал) Шунга яқин натижалар такомиллашган америка тутқичларида ҳам кузатилди.

Эркак капалаклар тутқичнинг диспарлор хидига дарчалар орқали кириб илинади. Оммавий учиш мавсумида эркак капалаклар тиркиш олдида гуж бўлиб йиғилиб қолади, аммо ҳаммасига ҳам тутқич ичига кириш насиб этмайди. Тутқичга тушган капалаклар инсектицидга тўйинтирилган пластинага ёпишади ва ҳалок бўлади. Стандарт кўринишидаги ушбу тутқичларга тенгсиз ипак қурти капалагининг 203; 219; 293 донаси илинди. Ҳафтача яшовчанлик ургочи капалаклар учун 13 кун, эркаклари учун эса 7 кунни ташкил этди.

1-жадвал

**Турли феромон тутқичларга тенгсиз ипак қурти капалакларининг  
илиниш микдори**

(Қоранкулсой ўрмон бўлими ёнгоқмеваги ўрмонзорлари, 2009-2011 йй)

Феромон тутқич турлари	Қайтариклар	Тутилган капалаклар сонлар бўйича, дона															Ҳафтага 1 та тутқичга илинган капалак сон, дона
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	жами	
Такомиллашган америкача	1	5	4	13	20	28	56	40	49	61	65	58	40	21	14	469	394,3
	2	3	10	29	18	15	26	44	50	27	51	49	32	15	6	365	
	3	2	3	11	23	34	29	38	56	64	42	26	15	9	3	355	
Катта учбурчак ва очиқ	1	5	11	25	31	29	49	66	79	84	65	70	58	42	24	484	463,3
	2	1	10	19	26	45	43	52	61	78	50	46	28	18	7	495	
	3	2	8	21	19	29	58	40	56	64	23	35	26	21	14	426	
	4																
Америкача оддий	1	1	5	15	18	15	24	30	31	37	41	32	20	13	10	293	238,3
	2	2	3	6	14	18	12	15	23	28	31	29	15	6	3	203	
	3	3	9	5	10	11	20	26	21	34	28	16	18	10	11	219	

Тенгсиз ипак қурти серпуштлиги туғрисида аниқ маълумотлар бўлиганлиги сабабли бу борада тадқиқотлар ўтказилди. Биз лаборатория шароитида тухум уюми хажмидан, оғирлигидан келиб чиқиб, уюмдаги тухумлар сонини аниқлаш ишлари устида тажрибалар олиб бордик. Бунинг учун ўрмонзорлардан янги қўйилган ипак қурти тухум уюмларининг 350 донаси йиғиб олинди. Тажрибалардан маълум бўлдики ҳар бир тухум уюми хажм, шакл ва сон жиҳатидан фарқ қилади. Тухум уюмлари 3,7 см<sup>2</sup> дан 12 см<sup>2</sup> гачани ташкил этган, уюмларда тухумлар сони 295 тадан 721 тагача бўлганлиги аниқланди. Олинган натижаларга кўра, энг енгил тухум уюми 0,1 грамм бўлиб, ичида 81 дона тухум, максимал оғирликдаги тухум уюми эса

1,0 грамм ни ташкил этиб ва уюм ичида 754 дона тухум борлиги аниқланди. Деярли барча кўрсаткичлар орқали олинган натижалар солиштирилганда битта уюмда ўртача ҳисобда 400 талдан 600 тагача тухум борлиги кузатилади.

Аниқланишича, тухум уюмлари ва ундаги тухумлар сони уюмларнинг оғирлиги, кенглиги ҳамда ҳажмига боғлиқ бўлиб, булар ўртасида ўзаро мутаносиблик мавжуд. Кичик намуналар бўйича корреляция коэффицентини ҳисоблаш амалга оширилди. Браве Пеарсон корреляция коэффицентини, агар иккиламчи хусусиятларидан бирининг бир-биридан тўғридан-тўғри тўғрилигига яқин эканлиги маълум бўлса, иккита қўшалок белгилар орасидаги муносабатларнинг кучини миқдорий равишда ифодалаш зарур бўлганида ҳисоблаб чиқилади.

$$r = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \sum y}{N}}{\sqrt{[\sum x^2 - \frac{(\sum x)^2}{N}][\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{N}]}}$$

г- Браве Пеарсон корреляция коэффицентини;  $x$  - аргумент вариантлар қатори;  $y$ -функция вариантлари қатори;  $N$ -намуна катталиги ёки  $x$  ва  $y$  сатрларидан биттаси жуфти сон миқдори.

Асосий биометрик кўрсаткичлар асосида ўтказилган корреляцион таҳлиллар шуни кўрсатдики, тухум уюми ҳажми ҳамда ундаги тухумлар сони ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, бундаги корреляцион коэффицент кўрсаткичи 0,89 бўлгани, юқори даражадаги тахминий кўрсаткич ( $P=0,901$ ) ҳамда тўғри чиқиқ тенгламаси билан ифодаланаяди.


$$y = 125,65 + 0,1208x$$

бунда:

$x$ -тухум уюмининг ҳажми,  $см^3$

$y$ -тухумлар сони, дона

Олинган маълумотлар асосида тухум уюми ҳажмидан келиб чиқиб, ундаги тухумлар сонини аниқловчи номограмма тузилди (2-расм).



$$y = 125,65 + 0,12x \quad r = 0,89$$

2-расм. Тухум уюми ҳажмига асосан тухумлар сони,  $см^3$

Ишлаб чиқилган корреляцион солиштирув натижасида ҳисоблаш ишлари тезлашади ва ўртача қийматни аниқ топиш имкони яратилади. Тошкент вилояти шароитида ёнғоқмевали ўрмонзорларда зараркунанданинг қуртлик давридан ғумбакга ўтиши учун 55-61 кун талаб этилиши аниқланди. Тухумдан чиққан қуртлар то ғумбаклик даврига ўтгунига қадар эркаги 4 маротаба, ургочи зотлари эса, 5 маротаба пўст ташлайди. Демак, эркак авлод берувчи қуртлар 5 ёшни, ургочилари эса, ўз навбатида, 6 ёшни бошдан кечирадилар. Қуртларнинг ёши бош қисмининг кенглигига қараб аниқланади.

Бизлар аниқланган кўрсаткичлар А.И. Ильинскийнинг кўрсаткичларидан қисман фарқлансада, у амалий аҳамиятга эга бўлмайди. Қуртлар ривожланишининг якунида дарахтлар шох-шаббасида ўргимчак турини ҳосил қилиб ғумбакка айланади. Катта ёшдаги қуртнинг ўлчами 40-80 мм ни ташкил қилади. Тенгсиз ипак қурти учун озуқа ўсимликларини аниқлаш учун биз куйидаги ўсимлик турларини танладик: Грек ёнғоғи, Сиверс олмаси, хандон писта, Понтика дўланаси, маголеб олчаси, олхўри ва бошқалар. Тадқиқот олиб боришда фойдаланилган қуртлар сони 300 донани ташкил этади. Тажриба учун қуртлар лаборатория шароитида табиий шароитдан Қоранкулсой ўрмон бўлимидан териб келтирилган тухумлардан олинди. Ҳар бир озуқа тури учун 50 донадан қурт ажратилди. (3 ва 4-расм) Ҳар бир тажриба вариантда қуртлар инсектарийларда сақланди ва керакли озуқа тури билан таъминланди. Озуқа ҳар 24 соатда алмаштириб турилди. Инсектарий ҳарорати ўртача 25-30°C, нисбий намлик 55% да бўлиши назорат қилинди. Қуртлар учун озуқа ҳар икки кунда бир маротаба алмаштириб турилди.

Грек ёнғоғи, олма ва олча билан озиклантирилган қуртларда деярли бир хил ривожланиш ва етилиши бир хил муддатларда бўлиши кузатилди. Бу ўртача 34-37 кунни ташкил этган бўлса, олмада қуртлик босқичи ўртача  $34 \pm 0,9$  кун, олхўрида  $35,4 \pm 1,3$  кун, грек ёнғоғида  $37,1 \pm 1,9$  кунни ташкил этди. Хандон писта ва олчада бу кўрсаткичлар юқоридаги гурларга нисбатан 5-11 кун узок давом этди. Дўлана билан озиклантирилган қуртлар энг тез ривожланишни тугатди ва  $30,1 \pm 1,4$  кунни ташкил этди. Шу билан бирга, ривожланишдаги тафовут қуртларнинг I-II ёшларидан бошлаб кўзга ташланди. Тажриба учун олинган турлар ичида олма ва дўлана билан озиклантирилган қуртларнинг II-III ёшларида мўътадил ривожланиш кузатилди. Пўст ташлаш жараёни яхши ўтди, ўсишдан қолган наъмуналар кузатилмади. Грек ёнғоғи ва хандон писта билан озиклантирилган қуртлар ичида бир вақтнинг ўзида I-II ва III ёшдаги намуналар борлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш жоизки, тенгсиз ипак қурти олча барглари билан озиклантирилган қуртлар  $42,2 \pm 1,5$  кунда, хандон писта барглари билан озиклантирилган қуртлар эса  $48,4 \pm 1,0$  кунда ривожланишни тугатди. Қуртлик босқичининг I-VI ёшларини дўлана барглари билан озиклантирилган қуртлар энг қисқа муддатда ( $30,1 \pm 1,4$  кун) якунлади.

Лаборатория шароитида ғумбакларнинг тана кенглиги ва узунлигидан келиб чикиб, биометрик улчаш ишлари амалга оширилди. Тажриба учун жами 100 та, (50 та урғочи ва 50 та эркек) ғумбаклар олинди.

Расмларда (3 ва 4-расм) келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, урғочисининг энг оғир ғумбаги (2 г)  $3,0 \text{ см}^2$  катталиқка эга, энг енгил ғумбак эса (0,8 г)  $1,23 \text{ см}^2$  катталиқка эга. Эркак ғумбакларда бу кўрсаткичлар анча паст бўлиб, гавдасининг катталиги  $1,6 \text{ см}^2$  бўлганда, уларни максимал оғирлиги 1,0 грамм ни ташкил этди, гавдаси  $0,45 \text{ см}^2$  бўлганда минимал оғирлиги 0,1 граммни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, фоиз тақсимида 1,1 грамм оғирлиқдаги урғочи ғумбаклар кўпроқ учрайди (20%), 0,3 ва 0,5 грамм оғирлиқдаги эркек ғумбакларда учраши кузатилди (23,3%)



3-расм. Урғочи ипак курти ғумбаги оғирлигининг унинг катталиги билан боғлиқлиги




4-расм. Эркак ипак курти ғумбаги оғирлигининг катталиги билан боғлиқлиги

Диссергациянинг «Тенгсиз ипак куртининг тарқалиш динамикаси» деб номланган тўртинчи бобида ҳашарот ўчоқларининг пайдо бўлиши ва унинг Чирчиқ дарёси бўйидаги ёнғоқмевали ўрмонларда тарқалиш сабаблари таҳлил қилинган.

Ушбу бобда Чирчиқ дарёси хавзалари, Бурчмулло ўрмон хўжалиги ва Угам-Чотқол миллий боғи ҳудудларида олиб борилган кузатувлар ва тўпланган маълумотлар келтирилган. Бурчмулло ўрмон хўжалигининг ёнғоқмевали ўрмонларида тенгсиз ипак куртининг ўчоқлари бўйича қайд этилган бир неча йиллик (1998-2017 й.й.) маълумотлар олинди. Угам-Чотқол миллий табиат боғи раҳбарияти Microsoft Exsel дастури ёрдамида тайёрланган жадвалларни тақдим этишди. Бу бизга ўз маълумотларимиз билан солиштириш ва зараркунанданинг ўчоқларини олдиндан тахмин қилиш, 2008-2016 йиллар учун мониторинг ишларини ташкил қилиш, амалий ва илмий ишларда муаммонинг олдини олишда фойдаланиш имконини берди.

1998-2016 йиллар мобайнида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, зараркунанда ўчоқлари Ўзбекистонда ҳар йили кузатилган, аммо унинг майдони йиллар давомида турлича бўлган.

Тенгсиз ипак куртининг ўчоқлари ўз навбатида ҳудуднинг географик жойлашуви, экологик шароит, ҳудуд кенглиги ва ҳудудда ўсувчи дарахт турларига боғлиқ. 6-расм чизмадан кўришиб турганидек, 1998 йилдан бошлаб тенгсиз ипак куртининг ўчоқлари аста-секин кучая бошлаган. 2014 йилга келиб 4052 га майдонни эгаллаган ва кейинги йиллари пасая бошлаган.



5-расм. 1998-2016 йилларда тенгсиз ипак куртининг ривожланиш динамикаси

Оқтош ўрмон бўлимида ўтказилган изланишлар натижасида аниқланган 20 дона дарахтларнинг зарарланиш фоизалари аниқланиб, кўздан кечириш натижалари тақдим этилган. Шунга кўра, тенгсиз ипак курти томонидан энг кўп зарарланган гур магалеб олчасида  $68,2 \pm 3,9\%$  ни, олхўрида  $64,0 \pm 2,8\%$  ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич дуланада қайд этилган ( $41,2 \pm 6,1\%$ ).

Сижжак ўрмон бўлимида тенгсиз ипак курти дуланани ўртача 65,9±4,2% зарарлаган. Коранкул ўрмон бўлимида ипак курти дулана барглари ни максимал даражада 76,1±4,6% еб тугатган, энг оз грек ёнғоғни (37,5±4,0%) зарарлаган. Бурчмулло ўрмон хўжалигининг ёнғокмеваги ўрмонзорларида ўтказган изланишларимиз шуни кўрсатдики, битта дарактда ўртача 1,0±0,3 дан 2,0±0,44 тагача тухум уюми аниқланди.

Тенгсиз ипак куртининг яшовчанлиги ўрганилди. Бу мақсадда зараркунанданинг тухумлик, куртлик, ғумбаклик ва етук зотлик босқичларида тадқиқотлар ўтказилди. Олган натижаларимизга кўра, 2016 йилда зараркунанданинг куртлик босқичида энг кўп нобуд бўлиш ҳолати кузатилди ва у 32,6% ни ташкил этди. 2017 йилда бу кўрсаткич куртлик босқичида 29,7% бўлиб, умумий авлод ичида йўқотиш 60,9% ни ташкил қилди.

Зараркунанданинг тухумлик даврида оталанмаган тухумлар ҳисобига нобуд бўлиш ҳолати кузатилиб, икки йилда 8,2% ни ташкил этди. Бундан ташқари, қўшимча тухумхўр ва йиртқичлар ҳам сабабчи бўлди. Ўтган вақт оралигида 2016 ва 2017 йиллар ҳисобига ҳар бир омил учун бу ҳолат ўртача 3,8 ва 6,4% ни кўрсатди. Қизиғи шундаки, 2016 йилда уруғланмаган тухумлар 3,4% ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу ҳолат 13,0% га етган.

Ғумбаклардаги нобуд бўлиш ҳолати касалликлар ва йиртқичлар ҳисобига содир бўлди ва бу ҳақидаги маълумотлар тенгсиз ипак куртининг табиий душманлари бобида ақс эттирилган. 2016 йилда бу омиллар натижасида зараркунанданинг нобуд бўлиш ҳолати 7,6% ни ташкил қилган. 2017 йилга келиб касалликдан нобуд бўлган ғумбаклар сони 0,9% га ошган.

Зараркунанда капалакчари асосан қушлар, майда умуртқали ҳайвонлар, шунингдек – чакмоқ, ёғингарчиликлар оқибатида ҳам нобуд бўлади.


Бундан ташқари, ушбу бобда зараркунанданинг қуртлари учун озуқа меъёрлари келтирилган. Лаборатория шароитида озуқа меъёрларини аниқлаш учун биз тенгсиз ипак қуртларини махсус қафасчаларда олма барглари билан озиклантириб турдик. Қуртларнинг I ва II ёшларида битта баргдаги оғирлик 0,76 га озайганлиги маълум бўлди. Худди шу усул ёрдамида III, IV ва V ёшдаги қуртларнинг озуқа меъёрлари ҳам аниқлаб олинди. Ҳар бир ёш учун 0,617г, 0,871 г ва 0,973 г натижалар аниқланди. Шундай қилиб, озуқа меъёрини қуйидаги формула орқали қуртларнинг ёшига қараб озикланиш меъёрлари йиғиндисидан иборат ҳолатда топдик:

$$\begin{aligned} \text{К.Н.ёшига кўра умумий} &= \text{К.Н.}_I + \text{К.Н.}_II + \text{К.Н.}_III + \text{К.Н.}_IV + \text{К.Н.}_V = \\ &= 0,486 + 0,617 + 0,871 + 0,973 = 2,945 \text{ г.} \end{aligned}$$

Тенгсиз ипак куртининг умумий озикланиш меъёри бутун озикланиш даври учун 2,945 г ни ташкил этди. Қуруқ озуқа меъёрлари массаси ҳам ғумбакларни ўлчаш йўли билан формула орқали аниқланди

$r = 5,9$

бу ерда:  $r$  - қуруқ ҳолатдаги озуқа меъёри, г.



G - ургочи ва эркак гумбакнинг ўртача арифметик оғирлиги, г.

Ургочи ва эркак гумбакнинг ўртача арифметик оғирлиги (2016-2017 йиллардаги ҳисоб китобларга асосан) 0,953 г. ни ташкил қилди. Маълумотларни юқоридаги формулага асосан ҳисобласак: бу йўл билан зараркуанда ўчоғи қалинлиги 9,4 бўлса, ва 100 г. яшил масса тўғри келса, дарахтдаги 10% барглари ушбу қуртлар еб тугатишини тахмин қилишимиз мумкин.

